

ТУРИЗМДА СУФУРТА ХУСУСИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Максудова Умеда Шарифовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0005-0268-5511

umeda.maksudova.93@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада туризм соҳасида суғуртанинг хусусиятлари, соҳа дуч келадиган рисклар таснифи келтирилган. Туризм соҳасида суғурта хизматларини тақдим этиши шартлари, суғурта маҳсулотларининг турлари, суғурта ва туризм фаoliyatларининг таъсир нуқталари, ҳамкорликдаги фаoliyatнинг муаммолари ва уларни бартараф этиши бўйича ечимлар ҳамда ривожлантириш чора-тадбирлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: риск, суғурта, туризм соҳаси, саёҳат, тиббий суғурта, баҳтсиз ҳодисалардан суғурталаш, молиявий ва рақамли технологиялар.

СТРАХОВАНИЕ В ТУРИЗМЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Максудова Умеда Шарифовна

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье представлены особенности страхования в сфере туризма и классификация рисков, с которыми сталкивается данная отрасль. Анализируются условия предоставления страховых услуг в сфере туризма, виды страховых продуктов, точки взаимодействия страхования и туристической деятельности, проблемы совместной деятельности и пути их преодоления, а также меры по развитию.

Ключевые слова: риск, страхование, туристическая индустрия, путешествия, медицинское страхование, страхование от несчастных случаев, финансовые и цифровые технологии.

INSURANCE IN TOURISM: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Maksudova Umeda Sharifovna

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article presents the features of insurance in the tourism sector and the classification of risks faced by this industry. The conditions for providing insurance services in the tourism sector, types of insurance products, points of interaction between insurance and tourism activities, problems of joint activities and ways to overcome them, as well as development measures are analyzed.

Keywords: risk, insurance, tourism industry, travel, health insurance, accident insurance, financial and digital technologies.

Кириш.

Охирги йилларда туристлар суғуртаси туристларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлашда асосий роль ўйнаб саёҳатни ташкил этишнинг ажралмас қисмига айланди. Халқаро туризмнинг ривожланиши ва саёҳатчилар сонининг ўсиши билан саёҳат билан боғлиқ рисклар янада хилма-хил ва башорат қилиб бўлмийдиган бўлиб бормоқда. Касалликлар, жароҳатлар, йўқолган юқ, парвозларни бекор қилиш ёки табиий офатлар билан боғлиқ ноаниқликлар суғуртанинг зарурлигини муҳим омилга айлантириди. Бундан ташқари, экстремал туризмнинг машҳурлиги ва пандемия сабаб бўлган ўзгаришлар билан суғуртанинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Суғурта молиявий йўқотишларни минималлаштиришга ва туристларни кутилмаган вазиятлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради, бу эса уни замонавий саёҳатларда ажралмас воситага айлантиради.

Адабиётлар шарҳи.

Туризмда суғуртанинг асосий мақсади бу инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида суғурта қилиш билан бир хилдир, яъни содир бўлиши моддий йўқотишларга (заарларга) олиб келадиган тасодифий эҳтимолий нохуш ҳодисалар содир бўлган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган харажатлар билан боғлиқ фуқароларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишдир (Зобова ва бошқ., 2016)

Карабак ва Василченко (2017) тадқиқотларига кўра, чет элга чиқаётган фуқароларни суғурталаш - бу суғуртанинг бир тури бўлиб, унинг мақсади фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида уларнинг ҳимоясини таъминлашдан иборат. Бунда суғурта обьекти - суғурталанган шахснинг соғлиғи, ўлими билан боғлиқ муаммолар ёки харажатлари акс эттирадиган мулкий манфаатлари ҳисобланади.

Кошкимбаева ва Алтинбековлар (2022) илмий изланишларида қўйидагиларни келтириб ўтишган, жумладан, туризм соҳасидаги суғурта туризм субъектларига нисбатан турли обьектларни ҳимоя қилишга қаратилгандир. Туризм ҳам, суғурта фаолияти ҳам хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир. Туризм рисклари туризм хизматлар сифати ва хавфсизлигини белгилайдиган ўзига хос маънога эгадир. Шу муносабат билан, рискларни минималлаштириш, қонунчилик нормалари ва қоидаларини, шунингдек, сайёҳлар учун саёҳат пайтида хавфсизликни таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олган ҳимоя механизmlарини яратиш ва туризм компаниялари фаолиятини ҳимоя қилиш механизmlарини ишлаб чиқиши зарурдир. Бу бу нафақат анъанавий бизнес рискларига, балки хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг (авиаташувчилар, туроператорлар, жойлаштириш хизматлари ва бошқалар) ноқонуний фаолияти билан боғлиқ рискларга ҳам тегишлидир.

Казнованинг (2015) фикрига кўра, туризмда суғурта деганда хавфли суғурта турлари тушунилади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари - қисқа муддатли, суғурта ҳодисаси содир бўлишининг юқори даражадаги ноаниқлиги ва йўқотишлар ҳажми билан белгиланади.

Киселева ва бошқалар (2017) туризм бизнесида қўйидаги асосий риск гурухлари мавжудлиги таъкидлашади:

- Тадбиркорлик рисклари – туристик хизматларни тақдим этувчи турли хил туристик агентликлар, меҳмонхона, кўнгил очар, овқатланиш соҳаси ва бошқаларнинг фаолияти натижасида кўзатиладиган рисклар гуруҳи;

- истеъмолчи риски – турист сифатида хизматлардан фойдаланадиган истеъмолчилар риски;

- сиёсий рисклар – халқаро вазият, божхона режимлари, валюта тизимидағи қарама-қаршилилар туфайли юзага келадиган рисклар гуруҳига ажратиб кўрсатишиади.

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги иқтисодий шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодий ўзгаришлар натижасида суғуртада

қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта хизматлар бозорида сотилаётган замонавий суғурта маҳсулотлари, суғурта бозорини тартибга солиш усуслари, суғурта соҳасининг замон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб ўтган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида туризм суғуртаси, унинг туристларни ҳимоя қилишдаги ўрни борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, қузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуслар самарали қўлланилди, шунингдек туристларни суғурта қилишни механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Туризм суғуртаси – туристларни саёҳат пайтида юзага келиши мумкин бўлган турли рисклардан ҳимоя қилувчи суғурта тури ҳисобланади. Бунга тиббий харажатлар, йўқолган юқ (мол-мулк), саёҳатни бекор қилиш, баҳтсиз ҳодисалар ва бошқа қутилмаган ҳолатларни киритиш мумкин бўлади.

Туризм соҳасида рисклар классификацияси жуда кенг ҳисобланади буни 1-жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин. (1-жадвал)

1-жадвал

Туризмда рисклар классификацияси

Туризмда рисклар	1. Таъсир қилиш даражасига қараб	мақбул
		номақбул
	2. Объектга қараб	Турист (экскурсант)
		Тур ташкилот
		Ижтимоий групкалар, жамият
	3. Объект жойлашган жойга қараб	Давлат
		Табиий мухит
		Ташқи
	4. Субъектга қараб (манба)	Ички
		Табиий
		Ижтимоий
		Техноген
	5. Суғурталаш имкониятига қараб	Фавқулодда
		Суғурталанадиган
		Суғурталанмайдиган

Манба: эмперик адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Туристларни суғурталашнинг кенг тарқалган асосий турлари қўйидагилардан ташкил топади:

1. Тиббий суғурта - саёҳат пайтида касал бўлиш ёки жароҳатланган тақдирда даволаниш, шошилинч тиббий ёрдам, тиббий муассаса хизматлари ва тиристни ватанига қайтариш харажатларини қоплашни назарда тутади.

2. Баҳтсиз ҳодисалардан суғурта - баҳтсиз ҳодиса натижасида жароҳат олиш ёки ўлим ҳолатларидан ҳимоя қиласди.

3. Сафарни бекор қилиш суғуртаси - саёҳат туристга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (касаллик, баҳтсиз ҳодиса, визани рад этиш ва бошқалар) бекор қилинган тақдирда харажатларни қоплайди.

4. Багажни (юқ) йўқотиш суғуртаси - багаж йўқолганда, бутлигига пурд етказилганда ёки кечикирилган тақдирдаги заарларни қоплашни таъминлайди.

5. Ҳуқуқий хизмат суғуртаси - чет элда ҳуқуқий муаммолар юзага келганда ҳуқуқий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш харажатларини қоплашни таъминлайдиган суғурта турлари.

Туризм суғуртаси ва туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятлари саёҳат пайтида юзага келадиган ўзига хос рисклар, шунингдек, соҳанинг динамик ривожланиши каби кўплаб омилларга боғлиқ бўлади, қўйида бу омиллар ва хусусиятларни келтириб ўтамиз.

Туристларни суғурталаш хусусиятлари:

1. Рискларнинг хилма-хиллиги: туризм суғуртаси саёҳат билан боғлиқ турли хил рисклардан ҳимоялайди ва ҳар хил суғурта турларини қамраб олади:

- Тиббий ёрдам (харажатлар): бу хорижий мамлакатларга саёҳат пайтидаги туризм суғуртасининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Бунда тиббий ёрдам, хизмат, жароҳатларни даволаш, жарроҳлик амалиёти ва репатриация харажатларини ўз ичига олади.

- баҳтсиз ҳодисалардан суғурталаш: Бу саёҳат пайтида олинадиган жароҳатлар, ногиронлик ва ўлим ҳолатларида суғурта ҳимоясини таъминлайди.

- Саёҳатни бекор қилиш ёки тўхтатиб туриш: Агар турист ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (касаллик, визани рад этиш, оиласвий шароитлар) саёҳатни бекор қилишга ёки тўхтатишга мажбур бўлса, сиёsat харажатлари қоплагб берилади.

- Багажни (юкни) йўқотиш суғуртаси: багаж йўқолганда ёки шикастланган ҳолатларда харажатларни қоплашни таъминлайди.

2. Туристларнинг хилма-хиллиги ва ҳар хил турдаги суғурта полислари: Туристлар суғуртаси саёҳат турига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин:

- Дам оловчиilar учун таътил суғуртаси.

- Экстремал спорт билан шуғулланувчи фаол туристлар учун суғурta.

- Талабалар учун узоқ муддатли ва чет элда узоқ вақт қолишини режалаштирганларнинг иш визалари учун суғурta полислari

- Бизнес учун тез-тез саёҳат қиладиган компания ходимлари учун корпоратив суғурta полисlari.

3. Ҳудудий хусусиятлар: Баъзи мамлакатлар ўз ҳудудига кириш учун суғурta полисларини талаб қилишади (масалан, Шенген зонаси мамлакатлари).

4. Мобиллик ва қулайлик: Суғурta компаниялари ўз хизматларидан мобил иловалар ва онлайн платформалар орқали фойдаланиши таклиф қилишади, бундай ҳолат суғурta полисларини сотиб олишни ва фавқулодда вазиятларда ёрдам олишни осонлаштиради. Баъзи суғурta компаниялари ҳатто телефон ёки смс хабарлар орқали 24/7 ёрдамни таклиф қилишади.

5. Нарх тоифалари ва ҳимоя қамрови: суғурta полисининг нархи кўп омилларга боғлиқ бўлади, масалан, бориладиган мамлакат ёки давлат, туристнинг ёши, саёҳат давомийлиги ва суғурta полисининг. Кўпинча туристлар харажатларни камайтириш учун минимал қопламани харид қилишади, бундай ҳолат етарли дарадажа ҳимояланмасликка олиб келиши мумкин.

Туризм соҳасининг хусусиятлари:

1. Мавсумийлик: Туризм мавсумга жуда боғлиқdir. Энг юқори мавсумлар (ёз, қишики таътиллар, дам олиш даврлари) машҳур туристик йўналишларнинг ҳаддан ташқари тўлиб кетиши, шунингдек, хизмат (чишталар, меҳмонхоналар ва бошқалар) нархларининг ошишига олиб келиши мумкин ва аксинча мавсумдан ташқари талаб кескин пасайиши мумкин.

2. Ташқи омилларга боғлиқлик: Туризм турли хил ташқи омилларга сезгир бўлади, масалан:

Геосиёсий вазият: урушлар, сиёсий бекарорлик, террорчилик таҳдидлари сайёҳлар танловига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодий вазият: турғунлик, инфляция, валюта курсининг ўзгариши туристларнинг харид қобилиятини пасайтириши мумкин.

Экологик омиллар: иқлим ўзгариши, табиий оғатлар (масалан, тўфонлар, зилзилалар) туристлар оқимини ўзгартириши мумкин.

3. Пандемия ва саломатлик: COVID-19 натижасида юзага келган пандемия халқаро саёҳатларни сезиларли даражада чеклаши мумкинлигини кўрсатиб берди. Бу истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларида сезиларли ўзгаришларга олиб келди (онлайн брон қилиши, мослашувчан ва бекор қилиш қоидалари ҳамда янги хавфсизлик протоколлари).

4. Инновациялар ва рақамлаштириш: Туризм соҳаси рақамли технологияларга фаол мослашиб бормоқда, бу эса саёҳатларни режалаштириш ва брон қилиш услубларини ўзгаришига олиб келмоқда. Онлайн туризм агентликлари, мобил иловалар, виртуал саёҳатлар, шахсийлаштирилган саёҳат турларининг сунъий интеллект таъсирида ўзгаришига олиб келди.

5. Туристик маҳсулотларнинг хилма-хиллиги: Туризм тобора ихтисослашиб бормоқда. Масалан, бозорда экотуризмлар, туризмнинг фаол турлари (велосипед, пиёда саёҳатлар, альпинизм), гастрономик турлар, алоҳида эҳтиёжли кишилар учун турлар оммалашиб бормоқда ва бунга ўзидан-ўзи талиф шаклланиши олиб келди. Туроператорлар тобора талабчан мижозларнинг талабини қондириш учун ноёб маршрутлар ва турларни таклиф қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

6. Ҳуқуқий ва тартибга солувчи жиҳатлар: туризм қонунчилиги турли мамлакатларда сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Сайёҳлар учун визалар, солиқлар, сұғурта, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маълумотларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунлардан хабардор бўлиш муҳимдир. Масалан баъзи мамлакатларда туристларнинг тиббий сұғуртаси ёки молиявий тўлов қобилиятини исботлаши каби мажбурий талабларни жорий қилишган.

7. Рақобат ва янги ўйинчилар: Замонавий онлайн платформалар (Airbnb, Booking.com и Expedia) туризм бозоридаги рақобатни тубдан ўзгартириб юбориши. Туристлар энди мустақил равишда меҳмонхоналар, рейслар ва эксперцияларни танлашлари ва брон қилишлари мумкин, бу эса анъанавий сайёҳлик агентликларига талабни камайтиrsада, бошқа томондан кичик бизнес учун янги имкониятлар яратиб бермоқда.

8. Барқарор туризм: Барқарор туризм сўнгги йилларда оммалашиб бормоқда. Ушбу ҳаракат туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, маданий меросни ҳимоя қилиш қаратилгандир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда туризм сұғуртасида бир қатор муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин бўлади. Туристлар ва туризм соҳасини сұғурталаш муаммолари хилма-хилдир ва улар турли хил омиллар билан боғлиқдир, масалан ички (соҳанинг ўзига хос хусусиятлари) ва ташқи (иқтисодий вазият, геосиёсат). Соҳада юзага келиши мумкин бўлган асосий муаммолар қўйидагилар иборатдир, яъни:

Биринчидан, туристлар орасида хабардорликнинг паст даражаси: Кўпчилик туристлар сұғуртанинг зарурлиги ёки саёҳат вақтида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан хабардор эмаслар. Бу уларнинг сұғурта полисисиз ёки минимал сұғурта ҳимояси билан саёҳат қилишига олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида юз берган рисклар олдида уларниг ҳимояланмаганлик дарадасини оширади.

Иккинчидан, сұғурта полисларининг чекланган қамрови: Баъзи сұғурта полислари белгиланган мамлакатлардаги ўзига хос (экзотик) касалликлар, оғатлар ёки сиёсий тартибсизликлар каби муайян ҳолатларни қамраб олмайди. Баъзан туристлар кичик шрифтда ёзилган маълумотларни ўқимайдилар ва кутилмаган вазиятлар юзага келганда ҳолатларда сұғурта ҳимояси таъминланмай қолиши мумкинлигини билишмайди.

Учинчидан, суғурта қопламасини тўлашни рад этиш: Суғурта компаниялари турли сабабларга кўра тўловларни рад этиши мумкин, бунга асосан зарур хужжатларнинг йўқлиги ёки тақдим этилмаслиги, полис шартлари ва ҳақиқий вазият ўртасидаги номувофиқликлар, мижознинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва бошқалар. Бундай ҳолат суд жараёнларини келтириб чиқариши ва суғуртага бўлган ишончни йўқотишига олиб келиши мумкинdir.

Тўртинчидан, чет элда тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қийинчиликлар: Баъзи хорижий мамлакатларнинг тибиёт муассасалари туристнинг суғурта компаниялари билан бевосита ишламаслиги ёки ҳамкорлиги йўқлиги бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда эса кўрсатилган хизматлар учун тўловни туристларнинг ўзи амалга оширишлари керак бўлади. Турист амалга оширилган харажатлар ватанига қайтгандан кейин ўзининг суғурта компаниячи томонидан тўлаб берилади агар барча хужжатлар ва талаблар бажарилган бўлса. Бундай ҳолат туристлар учун кўплаб нокулайликни келтириб чиқаради.

Бешинчидан, суғурта полислари нархининг ошиши: Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодий нобарқарорлигини ва тиббий хизматлар нархининг кескин ўсиши шароитида суғурта полислари нархларининг ошиши кўзатилмоқда. Бу эса рискларни тушунмасдан арzonроқ ва минимал полисларни сотиб олган туристларда баҳтсиз ҳодисалар юз берганда нокулай молиявий ҳолатга солиб кўймоқда.

Мавжуд муаммоларни самарали ечимларини таъминлашда ҳамкорликда олиб бориладиган чора-тадбирлар самарали ечимларни тақдим этиши мумкинdir, бундай чора-тадбирлар қўйидагиларни қамраб олиши мумкинdir, жумладан:

Туристлар учун суғуртанинг муҳимлиги ва уларнинг авзалликлари тўғрисида уларнинг хабардорлигини ошириш, қулай ва ҳамёнбоп суғурта шартларини тақдим этиш;

- суғурта полислари шартларини такомиллаштириш, замонавий шароитларга янада мослашувчан ва қўлай дастурларни ишлаб чиқиш орқали рискларни камайтиришга эришиш;

- туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан хавфсизлик ва мижозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича талабларни кўчайтириш;

- барқарор ва экотуризмни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларни яратиш, оммавий туризмнинг салбий таъсирини камайтириш чоралари кўриш;

- барча манфаатдор томонлар учун суғурта полисларини сотиб олиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини соддалаштириш учун соҳага инновацион технологиялар ва рақамли ечимларни кенг жорий этиш.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган таҳлиллардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, туристлар суғуртаси бирдек ҳамма учун наф келтиради. Туризм соҳаси субъектлари учун суғурта мижозларга хавфсиз саёҳат шароитларини таъминлашга ёрдам берса, туристлар учун эса уларни турли рисклардан ҳимоя қиласди. Айrim ҳолларда баъзи субъектлар саёsat турини танлашни осонлаштириш ва мижозларга қўшимча кафолат бериш учун суғуртани ўз ичига олган дастурларни таклиф қилишади.

Туризм соҳасини ривожлантириш саёҳат қилувчи фуқароларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш бўйича кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Суғурта компаниялари бозорнинг барча иштирокчилари ва биринчи навбатда аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб боришлари, суғурта бозорида янги маҳсулотларни яратишда хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаларини ўрганиши ва миллий хизматлар бозорида жорий этиш йўлларини излашлари керак бўлади. Бундай ҳолларда ҳар бир

мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, анъаналарини, турмуш тарзи ва даражаларини ҳисобга олиш муҳим саналади.

Адабиётлар /Литература / Reference:

- Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, (1), 5.
- Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, (6), 7.
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>
- Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting*: Vol. Iss. 2, Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>
- Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, (3), 7.
- Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.
- Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent "IQTDISOD-MOLIYA".
- Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.
- Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
- Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.
- Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.
- Абдурахмонов И.Х. (2020) Ислом суғуртаси ёки тақафулнинг назарий-иқтисодий асослари ва амалга ошириш моделлари таҳлили. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. № 6. 80-87.
- Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини кўллаш истиқболлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №4, 1-10 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни кўллаш истиқболлари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.
- Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизmlарини жорий этиш,. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.
- Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни кўллаш истиқболлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланшиш тенденциялари. *Иқтисодий taraqqiyot va tahlil*, 2(4), 309-319.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Тақафул: назарий-иқтисодий асослар ва амалга ошириш механизmlарни. *Иқтисодий Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(6), 298-307.
- Абдурахмонов, И. X. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини тақомиллаштириш. Автореф. дисс.... и. ф. н, 26.

- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-Молия» нашириёти, 23-24.
- Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/-Т.: «Иқтисод молия», 353-354.
- Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.
- Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.
- Зобова Е.В., Яковлева Л.А., Шевяков А.Ю. (2016) Страхование туристских рисков в России. Социально-экономические явления и процессы. Т. 11, № 5. 17-24 стр.
- Казнова М.И. (2015) Направления совершенствования страхования туристических услуг. Таврический научный обозреватель № 2 (октябрь), 29-32 стр.
- Карабак А.А., Васильченко Е.И. (2017) Аспекты страхования туристов, выезжающих за рубеж. "Экономика и социум" №4(35). 663-666 стр.
- Киселева И.А., и др. (2017) Инновационные риски на рынке туристических услуг // Вестник ВГУИТ. Т. 79. № 4. С. 344-349.
- Кошкимбаева У.Т., Алтынбек А.Б. (2022) к вопросу о страховании в туристской отрасли Казахстан. Journal of Economy and Business, vol 3-1 (85), 173-177 стр.